

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 29 [14.080]

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Туркия халқига эса фаровонлик тилади.

Президент Режеп Таййип Эрдоғаниннг мамлакатни барқарор ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий ўрни алоҳида қайд этилди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси юксак баҳоланди.

Президентлар шу ой Туркияга амалга оширилган олий даражадаги таширфинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот чоғида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар минтақавий ҳамкорлик ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎЗА

НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасини ислох қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур мажмуа мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхонасидир. Бу ерда олтин, уран, нодир металллар, қурилиш ва дастгоҳсозлик саноати учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Комбинат юртимиздаги жами саноат маҳсулотининг 10 фоизини ва бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди. Унда 54 мингдан зиёд ходим ишлайди.

Навоий кон-металлургия комбинати хом ашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчилар орасида учинчи ўринда туради. Лекин активларининг қиймати хорижий компанияларникига нисбатан анча кам. Масалан, ҳозирги кунда комбинатнинг баланс қиймати 1,3 миллиард доллар бўлса, шу даражадаги хорижий корхоналарнинг бозор нархи 11 миллиард долларни ташкил этади.

Шу боис НКМКНИ замонавий компанияга айлантириш мақсад қилинган. Давлатимиз томонидан бу борада комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 2017-2019 йилларда 1,2 миллиард доллар маблағ эвазига 8 та объект ишга туширилган. Натижада охириги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, қумуш олиш 37 фоизга ошган.

Ўтган ойда Олий Мажлисига йўлланган Мурожаатномада Президентимиз Навоий кон-металлургия ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақон-

ли иштирокчисига айлантириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Йиғилишда шу борадаги режа ва чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йилга қадар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 94 тоннага етказиш, бунинг учун 4 миллиард долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, лойиҳа қиймати 525 миллион доллар бўлган янги конни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Комбинатнинг бугунги кундаги 3,7 минг тонна олтин захираси халқаро стандартлар асосида баҳолашиб, корхона балансида акс эттирилиши зарурлиги белгиланди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Молия вазирлигига захираларни баҳолаш ишлари ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро меъёрларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Конлар захираси ва қаймайши тўғрисидаги ҳисоботлар, қазиб олиш лойиҳалари бўйича маълумотларни Австралия кодекси (JORC Code) асосида тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг корпоратив еврооблигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди.

Корхона раҳбари ва вазирлар юқоридаги вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА



● Наманганда таълим ва мутахассислик халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Иштирокчиларга мамлакатимиз, шунингдек, АКШ, Хитой, Германия, Латвия, Чехия, Англия, Малайзия, Венгрия, Канада, Сингапур, Жанубий Корея, Туркия каби давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрталари ва уларнинг Ўзбекистондаги филиаллари, хорижда таълим олишга қўмақлашувчи ташкилотлар, нодавлат таълим муассасалари ҳамда ўқув курсларининг таълим ва бандлик йўналишидаги имкониятлари намойиш этилди.

● Мехрибонлик уйларида ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда кўплаб муаммолар мавжуд. Уларнинг аксариятида шахсий турар жой мавжуд эмас. Мехрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг айримлари жамиятга ижтимоий мослашувда қийналади, ишга киришда кўплаб қийинчиликлар юзга келади. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида маълум қилинди. Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, олимлар ва мутахассислар, Мехрибонлик уйлари ҳамда SOS Тошкент шахридаги болалар маҳалласи вакиллари иштирок этди. Мажлисида ота-оналар қаровисиз қолган, Мехрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидagi долзарб масалалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юриблган парламент сўровининг натижалари тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан бирга муҳокама қилинди.

● "Намунали ички ишлар органларининг таянч пункти" республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда Андижон тумани Чем маҳалласига хизмат кўрсатувчи 55-таънч пунктга иккинчи, Асака тумани Қўжған маҳалласига хизмат кўрсатувчи 89-таънч пунктга учинчи ўрин насиб этди. Шунингдек, "Энг фидойий сектор раҳбари", "Ибратли хотин-қизлар қўмитаси раиси", "Ички ишлар органлари бошлиқларининг энг фаол ёшлар масалалари бўйича ўринбосари", "Энг фидойий маҳалла раиси" сингари ўнга яқин номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Голиб ва совриндорлар диплом, фахрий ёрлик, эсдалик совгалари билан тақдирланди.



● Alphabet феик суратларни аниқлай олувчи сервис яратди. Alphabet холдинги таркибига кирувчи Jigsaw компанияси суратларнинг ҳақиқийлиги ва унинг тахрирланганлигини аниқловчи Assembler бепул сервисини тақдим этди. Дастур суратларнинг бирлаштирилганини ёки объектлардан нусха кўчирилганини, шунингдек, нейротармоқлар орқали яратилган феик суратларни аниқлашга қодир. Assembler'ни яратишга Берклидаги Калифорния, Мэриленд ва Италиянинг Неаполитан университетларидан мутахассислар жалб қилинган. Дастур муаллифларининг таъкидлашича, Assembler биринчи навбатда янгиликлар агентлигида ишлайдиган журналистларга ёрдам бериш мақсадида яратилмоқда. Дастур ёрдамида журналистлар ижтимоий тармоқлардаги сохта суратларни тезда аниқлай олади. Ҳозирги кунда Assembler'ни синовдан ўтказишда йирик оммавий ахборот воситаларида, хусусан, Agence France-Presse иштирок этмоқда. Assembler кенг омма фойдаланиши учун мўлжалланмаган.

● Хельсинки университетининг эксперти Энн Кивимяки узоқ муддат давомида истеъмол қилинадиган брусника меваси шарбати юқори қон босимини пасайтириши ва томирлар ҳолатини яхшилашини таъкидлаб ўтди. Гап шундаки, жониворларда ўтказилган тажрибада брусника, черника ва клюква шарбатларининг таъсири ўрганиб чиқилган. Натижада брусника шарбати қон босимини пасайтириш, қон томирлари функцияларининг бузилишини яхшилаш ҳамда кишиларни соғлом ҳолатга қайтаришда муҳим ўрин тутуши аниқланди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДЛАРИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Урганч шаҳрида 25-26 февраль кунлари иккинчи Ўзбекистон - Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасидаги азаллий дўстлик, яқин қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг саноат салоҳияти ва имкониятлари тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш, тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу форумда Қозоғистондан 200 дан ортиқ, мамлакатимиз вилоятларидан 150 га яқин ишбилармон доира вакиллари катнашди.

Форумнинг биринчи куни икки мамлакат вазирлиги ва идоралари раҳбарлари, тадбиркорлар, иқтисодчи олимлар иштирокида йиғилишлар, чегарадош ҳудудлар бизнес вакиллари учрашувлари ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирлар доирасида қатор савдо-инвестициявий шартномалар, ҳудудлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди.

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин иштирокида ҳукуматлар делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди.

А.Арипов кейинги йилларда мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабатлар икки томонлама алоқаларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига замин яратгани, бугунги кунда Ўзбекистон - Қозоғистон ҳамкорлиги кўплаб соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий йўналишда жадал ривожланаётганини таъкидлади.

Аскар Мамин мазкур форум юқори савияда ташкил этилганини алоҳида қайд этиб, анъанавий меҳ-

(Давоми 2-бетда)



ТОШКЕНТДА ЭНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Бу ерга жаҳоннинг 25 мамлакатидан 400 дан зиёд компания ва дунёга машҳур брендлар бири бўлди. Унинг стендалари ва маҳсулотларини олиб келган.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қурилиш вазирлиги, "Узсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ва "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Бу йил анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган "Uzbuild

Tashkent - 2020" кўргазмаси сўнгги вақтлардаги энг йирик ва мазмунан бой кўргазмалардан бири бўлди. Унинг стендалари "Узэкспомарказ" МКМнинг бир-варакай тўртта павильонини эгаллади, шунингдек, очик осмон остидаги катта кўргазма майдонда жойлаштирилди.

Мамлакатимизда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Локаллаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар ишлаб

(Давоми 2-бетда)

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24-26 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи чоғида БАА ҳукумати билан давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва давлат органлари фаолиятига инновацияларни жорий этиш соҳаларида кенг кўламли ҳамкорликни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган эди.

Жумладан, Ўзбекистон ва Амирликлар давлат институтлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, БААнинг давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга доир тажрибасини ўрганиш ва уни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда жорий қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ушбу келишув ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 24 февраль куни

БАА Вазирлар Маҳкамаси ишлари ва келажақ вазирлиги вакили Азиз Хмуд Ал-Амери бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимиз вазирлик ва давлат идоралари ходимлари учун тренинг ташкил этди. "Умумий сифат бошқаруви: ҳукумат фаолиятини такомиллаштириш" мавзусидаги ўқувда иштирокчилар ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ҳукумати фаолияти са-

марадорлиги ва салоҳиятини оширишда Амирликлар тажрибасини қўллаш бўйича ўзаро фикр алмашди.

Тадбирнинг биринчи кунда давлат тизимини шакллантириш, менежмент мақсадага эришишда ютуқларни ўлчаш, самарали бошқаруви воситаларини қўллаш ва самарадорликни баҳолаш воситаларидан фойдаланган ҳолда иш фаолиятини мониторинг қилиш бўйича БАА тажрибаси ўрганилди.

Иштирокчилар Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқарувини такомиллаштириш соҳасида етакчи давлатлар қаторидан жой олгани, Ўзбекистонда ҳам бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан 2019 йилда тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2019 йилнинг 31 июль кунини тўғридан кичик саноат зонаси дирекцияси ҳудудида туман ҳокимлиги ҳамда мутасадди идора ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари билан ҳамкорликда бевосита жойларга чиқиб, туманда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари билан индивидуал тарзда учрашувлар ўтказилиб, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Унда Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг ташкил этилиши мақсади, функциялари ҳамда юклатилган вазифалари ҳақида ушбу учрашувларда иштирок этган тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқаролар ўртасида чиқишлар уюштирилиб, улarga атрофлича тушунтиришлар берилди.

Бундан ташқари, Олмазор туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига 2019 йилнинг август ойида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастурига кўра, кредит маблағи ажратиш масаласида банк мутасаддига тегишли тартибда ҳужжатлар тақдим қилган бўлсаларда, орадан бир неча ой вақт ўтган бўлишига қарамай, банклар томонидан улarga кредит маблағлари ажратилмаётганини юзасидан қилган мурожаатлари тингланмади, улarga ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, тегишли тартибда ҳал этиш учун расмийлаштирилди.

Шу билан бир қаторда, муаллиф К.Мухаммадиева жорий йилнинг 14 август кунини ўзининг юқоридаги мурожаати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан ташкил қилинган ва фаолияти йўлга қўйилган "business.gov.uz" ягона интерактив порталига тегишли тартибда мурожаат қилганини, унинг юзасидан банк мутасаддиси томонидан ҳулоса олинди, ҳозирда мазкур мурожаат Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан назоратга олинганлиги ва ҳал этиш чоралари кўрилганлиги натижасида ижобий тарзда ҳал қилинди.

Бундан ташқари, Олмазор туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан тумандаги барча комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлари бўйича тузилган ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Олмазор туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси иш юритишга келиб тушган мурожаатлар бевосита таҳлил қилиб, ўрганилганда, 2020 йилнинг 1 январь санаси ҳолатига тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслардан жами 81 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 20 таси ёки 27,7 фоизи "business.gov.uz", 16 таси ёки 19,7 фоизи "Call" маркази, 10 таси ёки 12,3 фоизи "Қабулхоналар" орқали келиб тушган бўлса, 35 таси ёки 43,2 фоизи бевосита тумандаги Бош вазир қабулхонаси

ликаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси иш юритишга келиб тушган мурожаатлар бевосита таҳлил қилиб, ўрганилганда, 2020 йилнинг 1 январь санаси ҳолатига тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахслардан жами 81 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 20 таси ёки 27,7 фоизи "business.gov.uz", 16 таси ёки 19,7 фоизи "Call" маркази, 10 таси ёки 12,3 фоизи "Қабулхоналар" орқали келиб тушган бўлса, 35 таси ёки 43,2 фоизи бевосита тумандаги Бош вазир қабулхонаси

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРГА ҲАВОЛАНМАСДАН КАМЧИЛИКЛАР УСТИДА БОШ ҚОТИРИШМИЗ ШАРТ

ликаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан ўтказилган тадбирлар секторлар бўйича бириктирилган маҳаллаларни бирлаштирган ҳолда корхона, ташкилот ва мутасаддаларнинг мазмурий биносиди, 9 таси эса ўрта мактаб, лицей ва коллеж ўқув мутасаддаларнинг мажлислар залларида ўтказилди, 19 таси эса бевосита ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари мазмурий идораларида ташкил этилди.

Мазкур учрашув, давра суҳбатлари ва сайёр қабул тадбирларини ўтказишда жами 516 нафардан иборат тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар иштироки таъминланди. Ушбу сайёр қабуллар жараёнида турли хилдаги масалалар бўйича 35 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар қабул қилиниб, "business.gov.uz" ягона интерактив порталига мазмунан кўриб чиқиб, ҳал этиш учун жойлаштирилди.

Олмазор туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан ўтказилган сайёр қабуллар натижасида қайд этилган мурожаатларни ташкил этмоқда. Мазкур мурожаатлар юзасидан 72 турдаги масалалар кўриб чиқиш учун киритилган.

Умумий қайд этилган мурожаатлардан жами 78 таси ёки 96,3 фоизи ҳал этилган бўлиб, шулардан 49 таси ёки 60,5 фоизи туман даражасида, 22 таси ёки 27,2 фоизи шаҳар даражасида, 7 таси ёки 8,6 фоизи эса республика даражасида ҳал этилган мурожаатларга тўғри келмоқда.

Ҳозирда 3 та мурожаат кўриб чиқиш жараёнида қолдиққа қолаётган бўлиб, шундан 1 таси ёки 33,3 фоизи туман даражасида, 2 таси ёки 66,7 фоизи шаҳар даражасида кўриб чиқиб, ҳал қилиниши лозим бўлган мурожаатларни ташкил этмоқда.

Келиб тушган мурожаатларнинг таснифланишига кўра, таҳлил қилиб қўрилганда, 6 таси ёки 7,4 фоизи кредит ажратиш масаласига оид, 32 таси ёки 39,5 фоизи ер ажратиш, кадастр ва архитектура қурилиш ма-

салаларига оид, 43 таси ёки 53,1 фоизи бошқа турдаги масалаларга оид мурожаатларни ташкил қилган.

Масаласи ҳал этилган мурожаатларнинг 78 тани ташкил этган бир вақтда, шулардан 6 таси ёки 7,7 фоизи кредит ажратиш масаласига оид, 31 таси ёки 39,7 фоизи ер ажратиш, кадастр ва архитектура қурилиш масалаларига оид, 41 таси ёки 52,6 фоизи бошқа турдаги масалаларга оид мурожаатларга тўғри келмоқда.

Уз навбатига, умумий келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилиш фоизини аниқлашга тўхталиб бўлса, жами мурожаатларнинг сони 81 тани ташкил этган бир пайтда, уларнинг ҳал этилиш сони 78 тани қамраб олган бўлиб, бу кўрсаткич 96,3 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, кўриб чиқиш жараёнида қолдиққа қолаётган мурожаатларга эътибор қаратсак, уларнинг сони 3 тани ёки 3,7 фоизни, шундан мuddати ўтганлари эса 2 тани ёки 2,5 фоизни ташкил қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилганлар билан бир қаторда, мурожаатларнинг мазмунан кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш масаласидаги таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жами келиб тушган 81 та мурожаатларнинг 78 таси ҳал этилган мурожаатларга тоифасига киритилган бўлсада, лекин уларнинг атиги 6 таси ёки 7,7 фоизи реал тарзда ҳал қилиниб, қаноатлантирилган, қолган 72 таси ёки 92,3 фоизи бўйича тушунтиришлар бериш билан чеklangиб қолган ҳолос.

Ўтказилаётган таҳлиллардан кўринишича, тадбиркорлик субъектларидан келиб тушаётган мурожаатномаларни ҳал қилиш юзасидан ижрочи ташкилот, корхона ва мутасаддалар томонидан уларни кўриб чиқиш ҳолатлари таҳлил қилиб ўрганилганда, бир неча мурожаатларни амалдаги қонунчилик билан белгиланган мuddатларда мазмунан кўриб чиқиб, ҳал қилиш борасида қонун талаблари бузилишга йўл қўйлаётганлиги аниқланмоқда.

Ҳулоса қилиб айтганда, ўтган йилда амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришилган ютуқларимизни четта суриб, келгусидаги амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар, устувор вазифаларни белгиллаб олдик. Натижада, эришилган ютуқларга ҳаволанмасдан, камчиликлар устида бош қотиришимиз шартлиги аён бўлди.

Кобилжон АТАХАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ҲУДУДЛАРИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудларо ҳамкорлик форуми доирасида ўтган ҳукуматлар делегациялари учрашувида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳада қўшма лоийҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кенгайтириш, боғжона, энергетика, сувдан фойдаланиш, транспорт-транзит каби йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудларо ҳамкорлик форумининг якуний декларациясини имзолади. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида идораларо ва ҳудудларо даражадаги 16 та ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, "Ўзавтосаноат" уюشمаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Қозоғистондан Савдо ва интеграция, Миллий иқтисодиёт вазирликлари, Мангистау, Қизил Ўрда, Оқтўбе, Кустанай, Туркестон вилоятлари, Чимкент шаҳри ҳокимиятлари ўртасида тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Қозоғистон ҳукумати раҳбари Асқар Мамин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида шу кун қадимий Хива шаҳрини томоша қилди.

Файрат ХОННАЗАРОВ, Аҳмадхон ШОКИРОВ, Ҳамадан мухбирлари

ТОШКЕНТДА ЭНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўрғазмада ўз хусусиятлари бўйича аънавий қурилиш материаллари нисбатан кўпроқ афзалликларга эга бўлган инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи юзлаб компаниялар ўз махсулотларини тақдим этмоқда. Шиша композитли арматура ишлаб чиқаришга иختисослашган "Universal FRP systems" МЧЖ ана шуларнинг биридир.

– Йилдан-йилга металл нархи ортиб бормоқда, шунинг учун қурилиш баҳоси ҳам кўтариляпти, – дейди "Universal FRP systems" МЧЖ тижорат директори Қаҳрамон Нишонов. – Биз ишлаб чиқарадиган шиша композитли арматура аънавий металл арматуранинг муқобили бўлиб, унинг асосий рақибни ҳисобланади. Бизнинг шиша композитли арматурамиз металл арматурага нисбатан арзон, мустаҳкам ва ўн баробар енгил бўлиб, бу анча енгил ва мустаҳкам бетон конструкциялар яратиш имконини беради. У таранг пластик материал ҳисобланади, шунинг учун чўзилганда ва сиқилганда металл арматурага нисбатан 2,5 баробар чидамлик хусусиятига эга. Шунингдек, унга занг ва коррозия таъсир қўрмайди. Биз 2014 йилдан бундан фаолият юритиб келмоқдамиз. Заводимиз Тошкент шаҳрининг Ўшобод туманида жойлашган. Унинг ишлаб чиқариш қувватлари бир суткада 40 минг погон метр арматура ва 3 минг квадрат метр композит сетка чиқариш имконига эга.

Тошкентга кўп йиллардан бундан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиб келаётган Россия компаниялари ҳам ўзларининг инновацион махсулотларини олиб келишган.

– Бизнинг корхонамиз тўлиқ циклга эга бўлган металлургия корхонаси ҳисобланади ва ҳар йили 20 миллион тонна хомашё қазиб оламиз. Шундан 11,5 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарамиз, – дейди "Северсталь менеджмент" АЖ регионал савдо бўлими бошлиғи Виктор Никифоров. – Бугунги кунда бизнинг корхонамиз ўзбек автомобиль саноати учун асосий металл прокати етказиб беришчи саналади, махсулотимиз ўзбек бозорига ҳам келтирилган. Бугунги кўрғазмага биз ҳозирча маҳаллий бозорда мавжуд бўлмаган бир неча хил янги қурилиш материалларидан олиб келдик. Хусусан, булар пўлат балласт, шойи ва кашемир каби томларни ёпиш учун қўлланиладиган махсулотлардир. Уларнинг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, пўлат кашемир элик йилгача коррозияга учрамастлигини айтиш мумкин. Компаниямиз қўллаб-қувватлаш компаниялари учун томни ёпиш учун қўлланиладиган материаллар етказиб беришчи ҳамкор ҳисобланади. Масалан, "Тошкент-Сити" ишбилармонлик марказидаги кўп қаватли биноларнинг томлари учун бизнинг материалларимиз қўлланилмоқда.

Италия мейморчилик ва қурилиш технологиялари таррақий этган еттакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. У ерда инновацион ва аънавий қурилиш материалларига керакли юқори тоқли ускуналар ишлаб чиқарилади. Бу йил "Uzbuild Tashkent – 2020" кўрғазмасига Италия компания ва корпорациялари вакилларидан иборат делегация ташриф буюрган.

– Бизнинг фирмамиз тошларга ишлов беришга иختисослашган ва бу соҳада еттакчи корхоналардан ҳисобланади, – дейди "Breton" компанияси экспорт савдо бўйича менежери Сергей Дорожко. – Дунёда кварц асосида ишлаб чиқариладиган барча агломератлар бизнинг ускуналаримиз ёрдамида яратилади. Биз тош блокларига ишлов беришчи дастгоҳлардан тортиб, то пардоз плиталари ва мебель ишлаб чиқаришга бўлган ускуналарнинг бутун линиясини яратамиз. Яқиндагина биз ўзбек ишлаб чиқарувчиларига асоб-ускуналаримиз билан тўлиқ жиҳозланган иккита заводни сотдик.

"Ўзэкспомарказ" МКМнинг ақли осмон остидаги кўрғазма майдонда ўнлаб пўлат гигантлар жойлаштирилган, уларнинг ҳар бири қурилиш ишларининг алоҳида тури учун мўлжалланган.

– Бетон насосларимиз баланд иншоотларни қуришда бетонни узатиш ишлари учун қўлланилади. Улар 70 метргача баландликка бетон узатиб бериш қувватига эга. Шунинг учун улардан "Тошкент-Сити"даги баланд бинолар қурилишида фойдаланилмоқда, – деди Жанубий Кореянинг "KCP Heavy Industries" заводининг Марказий Осиё давлатларидаги ваколатхонаси раҳбари Инара Абдулова.

"Ўзэкспомарказ" МКМда очилган "Uzbuild Tashkent – 2020" ва "Build Tech – 2020" халқаро кўрғазмалари 28 февралга қадар давом этади.

Роман БОНДАРЧУК

ЮРТИМИЗДА 11 МИНГДАН ОШИҚ ШАХС ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛДИ

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бундан 28 йил олдин қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонун бугунги замон талабларига жавоб бермай қолганлигини таъкидлаб, 1995 йилгача мамлакатимизга келган ва шундан бундан доимий истиқомат қилаётганларга автоматик тарзда фуқаролик берилиши ва бу билан 50 минг нафарга яқин юрtdошларимизнинг фуқаролик бўйича муаммолари ҳал этилишига эътибор қаратди.

Бугунги кунда Олий Мажлис депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ходимлари, шу масалага алоқадор идоралар вакиллари фуқаролик тўғрисидаги қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартириш киритишляпти.

– Фуқаролиги йўқ шахсларнинг асосий қисми Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда яшаган ўзбеклар. Улар ўқиб, иш юзасидан, яна бир тоифаси эса қариндош-уруғлари Ўзбекистонда яшаётганлиги учун бошқа республикалардан кўчиб келишган, – дейди Ўзбекистон Ишчи ишлари вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош қармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шухрат Ходжаев. – Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармонида кўра 2020 йилнинг февраль ойигача 11 мингдан зиёд шахс Ўзбекистон фуқаролигини олди. 2019 йилнинг 29 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди. Бундан кўзланган мақсад, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига Ўзбекистон фуқаролари ва чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилишни соддалаштиришдир.

– 1990 йил 18 январда Тожикистонда турилганман, – дейди Шамсидин Бобоқуллов, — Ота-боболарим асли ўзбекистонлик. Қариндошларимиз Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшади. Ота-онани Тожикистоннинг Кўрғонтепа туманига Ўзбекистондан кўчиб боришган. Тўрт нафар фарзанди бўлишган. Бу орада Тожикистон нотинч бўлиб қолган. Шунинг учун 1994 йилда ота-онам бизларни олиб Ўзбекистонга бутунлай кўчиб келишган. Улар паспортларини Ўзбекистонга пропискага қўйиш кераклигига эътибор беришмаган. 18 ёшга тулганмида менга янаш гувоҳномаси берилди. 2017 йилда Ўзбекистон фуқаролигини олиш учун ҳужжатларимни топширдим. 2019 йил 26 февралда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиниб, менга Ўзбекистон паспорти берилди. Уша йилнинг март ойида дадам ҳам Ўзбекистон фуқароси бўлди. Онам, акам ва укам ҳужжатларини топширишган. Паспорт олганимдан сўнг тадбиркорликка қўл урдим. Қурилиш фирмасини очдим. Бугунги кунда корхонамда 6 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Илгари фуқаролигимиз йўқлиги учун тадбиркорлик қилишда қийналардик. Бизга шундай имкониятлар яратиш бергани учун давлатимиз раҳбарига минг раҳмат.

– 1993 йилда фарзандаримизни ўқитиш учун Тошкент шаҳрига оиламиз билан Қозоғистондан кўчиб келганмиз, – дейди пенсионер Санобар Алимбекова. — Бугунги кунда пўлатхитимизнинг Учтепа туманида яшаймиш. Турмуш ўртоғимнинг қариндош-уруғлари Тошкентда истиқомат қилишади. Фарзандларим Қозоғистонда турилгани учун Ўзбекистон паспортини ололмадик. Ҳаттоки ўзимизга ҳам фуқаролик беришмаганди. Бу бизнинг катта муаммоси эди. Чунки Қозоғистондаги қариндошларимизни ҳам кўришга боролмасдик. Яқинларимизни соғиниб кўз ёш тўкардим. Наҳотки шу юрtdа яшаб, фуқароликни ололмадик ўтиб кетсам деб ўйлардим. Ҳеч бўлмаганда фарзандларим Ўзбекистон фуқароси бўлишини орсуз қилардим. 2019 йил бизнинг оиламиз учун унутилмас йил бўлди. Фарзандларим Соҳибжон Алимбеков ва Гулмира Алимбекова Ўзбекистон фуқароси бўлишди. Мен фарзандларим учун ҳудудам хурсандман. Бунинг учун Президентимизга бошим ерга теккунча тазлим қиламан. Мен ва неварам Ўзозобону ҳам Ўзбекистон фуқаролигини олиш учун ҳужжатларимизни топширдимиз. Яқин кўнларда биз ҳам Ўзбекистон паспортини оламиз деган умиддамиз.

Бугун фуқаролиги бўлмаган юрtdошларимизнинг кайфияти кўтарилиши. Чунки ҳамагача уларнинг кўчлиги Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номага эга бўлишади.

Хонбиби МАХАМОВА

Мамлакатимизда сўнги уч йил ичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва унинг институтларини ривожлантиришга йўналтирилган меърий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институт жорий этилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

2018 йилнинг апрель ойида қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг май ойидаги фармони билан мамлакат Президентини ҳузурда давлат ва фуқаролик жамиятининг мамлакатни янада ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатларини мувофиқлаштириб борувчи, замонавий, демократик ва очик майдон вазирасини ўтайдиган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат Кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг бошқа устувор йўналишлари каби фуқаролик жамияти инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳамда фуқароларнинг жамият бошқарувидаги иштироки даражасини янада ошириш каби вазифаларни ҳал этишда халқ билан мулоқотни ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг асосий ҳамкори саналади.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида тасвирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очикилиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Улар орасида энг муҳимлари – ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришдир. Бунда, ташлов асосида фуқаролик жамияти институтлари учун давлатнинг ижтимоий бюртматини тақдим этиш шакллари кенгайтириш масалалари назарда тутилмоқда.

2018 йилнинг июль ойидан бошлаб марказ ва жойлардаги барча давлат органлари ҳузурда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг бевосита иштирокидаги жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Уларнинг зиммасига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинishi, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига даҳл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини қўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби вазифалар юклатилди.

2017-2019 йилларда қонун ҳужжатларига киритилган муҳим ўзгартиришлар орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокидаги қонун ҳужжатларининг жамоатчилик муҳокамасининг мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу масалаларни ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очикилигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қолаверса, мамлакатимиз раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорлари асосида "Нуроний", Ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар уюشمаси каби йирик жамоат ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз ўз Мурожаатномасида "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим", дея қайд этиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий мониторингнинг ташкил этишда фуқаролик институтлари иштирокининг изчил равишда кенгайтириб борилиши натижасида аниқ тақлифлар ишлаб чиқилиб, давлат органлари муҳокамасига киритиб борилмоқда.

Жумладан, фуқаролик жамияти институт

Сергели туманида янги уй-жойлар қурилиши ва уларга аҳолининг кўчиб келиши натижасида янги мактабларга эҳтиёж туғилди. 2019 йилда туманда тўртта мактаб қурилиши бошланди. Ҳар бир мактаб 1680 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу сўнги йилларда қурилган энг кўп ўринли мактаблардан ҳисобланади. Мактабларни қуриш жараёнида 2019 йилда ташкил этилган Президент мактаблари тажрибасидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги янги барпо этилган 329-умумий ўрта таълим мактабидан бир гуруҳ ёшлар билан учрашди.

Тадбирда Сергели туманидаги янги умумтаълим мактабларида ишга кириш истагини билдирган 140 нафар номзод ва тумандаги бошқа умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган ёш мутахассислар иштирок этди.

Туманда тўртта янги замонавий мактаб барпо этилиши уларда бир сменада 7 минг нафарга яқин (ҳар бир мактабга 1700 нафардан) ўқувчини қабул қилиши имкониятини яратди. Мактабларга ишга кирмоқчи бўлган талабгорлар ўртасида очик танлов ўтказилди.

Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра маъмурият мактабларида 438 та қўшимча янги иш ўрни (шундан 292 та қўшимча) яратилиб, ёш, билимли ва ташаббускор педагоглар иш билан таъминланади. Бу мактабларга талаб ошиб, ўқувчилар сонини кўпайтириш борса, қўшимча иш ўрни ҳам яратилади. Айтиш мумкин, қадар биргина 329-мактабнинг ўзига 1

**Шерзод ШЕРМАТОВ:
“МИНГЛАБ МАКТАБЛАРДА
БИТТЯМ ЛАБОРАТОРИЯ ЙЎҚ”**

минг 467 нафар ўқувчи ўқиш истагини билдириб, ота-оналари томонидан ариза топширилган.

Бугунги кунда ушбу янги мактабларда 400 нафардан ортиқ педагог ишга кириш учун талабдор бўлган. Яқин кунларда улар орасида очик танлов ўтказилиб, ишга қабул қилиш чоралари кўрилади.

Айтиш мумкин, Чилонзор туманидаги 217-умумтаълим мактаби директори Умида Арипова ва Яқсаарой туманидаги 144-умумтаълим мактаб директори Нилуфар Қосимбоева янги мактабга директор бўлиш учун келгусидаги иш режаларига оид тақдимот ўтказди. Кузатув кенгаши аъзолари тақлиф этилган номзодлар орасидан Умида Ариповани 329-мактаб директориликка танлаб олди. Эндиликда

танлов асосида ўқитувчилар жамоаси шакллантирилади.

Айнан янги ташкил этилаётган мактаб раҳбарлигига тавсия этилган номзодлар кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган, ўзи фаолият юритаётган мактабда замонавий бошқарув тизимини йўлга қўйган, педагогик жамоа орасида ҳурмат қозонган, таълим сифати юқори бўлган обрўли мактаб раҳбарларидир.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ёшлар билан учрашув давомида халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишларни тизимли равишда қўлдан кўчириш, мактаб инфратузилмаси ва ўқув дастурларини такомиллашти-

риш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

АКТ соҳасини ўқитишни кичик синфлардан бошлаш ва қўшимча дарс соатлари қўшиш, эндигина амалиётга татбиқ этилиши бошланган вариатив режани келгусида 7-синфдан бошлаш, синфларни иккига бўлиб, амалий соатларни кўпайтириш тақлиф қилинди.

Мактабларда махсус лабораторияларни иккига кўпайтириш ва синф ўқувчиларини иккига бўлиб дарс ўтиш, билимларни чуқурлаштирилган ҳолда бериш учун имконият борми, дея савол берилди.

– Тўғри, бу керак, – деди Шерзод Шерматов. – Бу борада топширик олганмиз. Лабораториялар ўрганиб чиқилди, чунки кўпайтириш керак эди. Лекин минглаб мактабларда биттаям лаборатория йўқ. Бор лабораторияни ҳам тўлақонли ишлатмаямиз, фойдаланмаямиз. Бунга Тошкент мактабларида чиққан вақтимизда гувоҳ бўлдим. Бу масала иқтисод билан боғлиқ бўлгани учун кейинги босқич ривожланишларда эътибор қаратилади.

Очик мулоқотда ёш ўқитувчилар тизимига мавжуд муаммолар юзасидан саволлар билан мурожаат этди. Халқ таълими вазири муаммоларни ҳал этиш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

**Хабарлар
ШАҲРИМИЗДА
КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ
ИШЛАРИ БОШЛАНДИ**

Поитахтимизнинг экологик ҳолатини янада яхшилаш, ўсимлик оламини бойитиш, янги қурилатган иншоотлар атрофини обдонлаштириш мақсадида мутахассислар томонидан иқлим шароитимизга мос келадиган мевали ва манзаралари дарахт турлари аниқланган.

Кўкаламзорлаштириш ишлари Шайхонтоҳур туманида Катта автомобиль халқа йўли бўйлаб 1 км. масофада амалга оширилди. Ушбу жараёнда йўл ёқасига 5000 та каштан, қарағай, япон сакуриси, эман каби манзарали дарахтлар кўчатлари экилди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу кўчатлар махсус тайёрланган жойларга боғдорчиликдаги тартиб қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳолда экилган. Ҳаво ҳарорати кескин ўзгарганда ва совуқ ҳаво кузатиладиган ҳаёт учун яроқли бўлади.

Айтиш мумкин, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан поитахтимиздаги ҳудудлар атрофлича ўрганилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориладиган манзиллар белгиланмоқда.

**ЁШ “ЗАКОВАТ”ЧИЛАР
САРАЛАНМОҚДА**

Поитахтимизда Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун “Заковат” интеллектуал ўйинининг саралаш босқичи бошланди. Кунин кеча Учтепа туманидаги 28 та мактабнинг билимдон жамоалари ўзаро беллашди. Мусобақа натижаларига кўра, 44-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи, 38-умумтаълим мактаби билимдонлари иккинчи ва 81-умумтаълим мактаби ўқувчилари учинчи ўринни эгаллаб, танловнинг финал босқичида иштирок этиш имкониятини кўлга киритди.

Интеллектуал ўйинда Чилонзор туманидаги 30 та мактаб жамоаларининг билими, дунёқараш ва топқирлиги синовдан ўтказилди.

Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳар ҳокими кубоги учун ўтказилаётган “Заковат” интеллектуал ўйинининг финал босқичи 10 март кунини бўлиб ўтади.

**КЎФИРЧОҚ ТЕАТРИНИНГ
РЕКОНСТРУКЦИЯСИ
ЯКУНИГА ЕТМОҚДА**

Ўзбекистон Давлат кўғирчоқ театри биносидан реконструкция ишлари якунига етмоқда. Театрга таширф буюрганмизда бизни театр директори Хотам Охунов қарши олиб, реконструкция жараёнида қилинган ишлар билан таништирди.

Театр маъмурият биноси 1979 йилда кўчиб ўтган бўлиб, 40 йил мобайнида таъмирланмаган. Шу сабаб, бино аста-секин ўзининг бошланғич қўрилишини йўқотиб борган. Ҳозирги реконструкция нафақат унинг дастлабки эртақлардагидай қўрилишини сақлаб қолди, балки унга янада янгиликлар тароват бахш этди.

Бинога яқинлашар экансиз, ундаги янгиликлар кўзга ташланади. Аввалги оппоқ рангини қайтариб, кирвараида эртақ қарамонлари ўрин олган фавворалар ўрнатилган, рангли керамик безаклар янгиланган. Кириш қисмининг юқорисига жойлашган бронза композиция қайтадан тикланган, томошабинлар зали ва сахна янгиланган фойдедаги сеҳрли девор реконструкция қилинган, чап тарафда янги панно, ўнг тарафда эса фавворали кичик ҳовли қўшилган. Нақшкор устунлар ва ёриткичи шифт янгилашиб, театр кенг ва ёруғ жозиба кашф этган.

Реконструкция ишлари ўтган йилнинг апрель ойида бошланиб, ҳозирда деврли ҳамма ишлар якунига етган. Залнинг ёритиш ва овоз бериш ускуналари ўрнатилиш қолган. Хотам Охуновнинг ўзларига кўра, театр шу йилнинг апрель ойида томошабинлар учун ўз эшигини очди. Тез орада янгиланган Ўзбекистон Давлат кўғирчоқ театрида бош режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсулов бошчилигида болалар ва катталар учун сеvimли томошалар намойиш этилиб, театр яна поитахтимиз меҳмонлари, мухлислари учун сеvimли масканга айланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

НОДИР МАНБАА

Жаҳоннинг турли ўлкаларида яратилган ёзма манбаларда шарқона давлат бошқаруви ҳақидаги қимматли тажриба ўз аксини топган. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид “Ал-аҳком ас-султонийя вал-валаат ад-динийя” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув қондалари”) асари ана шундай муҳим манбалар қаторига киради.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Мовардий (973-1058) қаламига мансуб ушбу нодир асар кўлемаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақлаб келинмоқда.

Асарда баён этилган X-XI асрлардаги мусулмон давлати бошқарув тизими, ундаги мансаблар поғонаси, ерусув масалаларини тартибга солиш, ўрмон ва тоғ-кон хўжалиқларини ташкил этиш, турли даражадаги мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий макомига оид қимматли маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотмагани туфайли ушбу манбаини ўрганиш ханузгача давом этмоқда.

Тарихчи олим Зиёвуддин Жўраевнинг фикрича, салжўқийлар ва газнавийлар сулоласи билан бир қаторда, асардан теумрий ва бобурий ҳукмдорлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлари ҳам фойдалангани ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш учун унинг чуқурлаштирилган тадқиқоти аналга оширишни талаб этади.

Илм-фан ривожига салмоқли хисса қўшган мутафаккир ва давлат арбоби, “Байтул хикма”нинг раиси бўлган мутоқаллим ва фақих Абулҳасан Мовардийнинг “Ал-аҳком ас-султонийя” асари Аббосий ҳукмдорлар Қодир Биллох ва Қоим Биамриллох илтимосига кўра, салтанат тузиш қонун-қондаларини аниқ бир тартибга келтириш мақсадида ёзилган.

“Султонлик ҳукмлари” китобининг манбашунослик тадқиқотини амалга ошириш, мамлакатимиз ва чет эл кутубхоналарида сақланаётган кўлемалари, тарихий ва замонавий нашрлари, Фарб ва Шарқ тилларига қилинган таржималари ҳамда унга бағишланган жиҳдий тадқиқотларни илмий муомалага киритиш манбашуносликнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири**

**ХОТИН-ҚИЗЛАР
ТАШАБУСКОРЛИГИ
ОРТИШИ НИМАЛАРГА
БОҒЛИҚ?**

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар ҳамда Олмазор туман Кенгашлари тумандаги фаол аёллар ҳамкорлигида хотин-қизларнинг жамиятда фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Сен бунга ҳақлисан” мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Олмазор туманидаги 224-мактабда бўлиб ўтган тадбирда шаҳар ва туман Кенгашларининг фаол депутат аёллари, “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари, ёш хотин-қизлар, “Ўзбекиоим” фольклор рақс ансамбли жамоаси, талаба-ёшлар, ички ишлар органларининг аёл ходималари, спортчилар, Глиэр номидаги musiқа академик лицейи қошидаги “Дуторчи қизлар” ансамбли ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Баҳром Валиев. — Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизmlарини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. 2018 йил 2 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекиди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ижобий ишлар олиб боришмоқда. Тадбир айнан юқоридаги фармон ижроси юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини кўчатириш мақсадида ўтказилди.

Тадбир давомида жамиятда фаол бўлган, ўз фаолияти орқали кўпчиликка намуна бўлиб келаётган хотин-қизлар сўзга чиқдилар. Шунингдек, катта ҳаёт оstonасига кириб келаётган ёш қизларга ўзларининг тақлиф ва тавсияларини бериб ўтишди. Лицей, мактаб ҳамда туман маданият бўлимидан таширф буюрган ижодкор, фаол ўқувчилар ва аёллар рақс, куй-кўшиқлар ижро этишди. Намойиш этилган сахна кўринишлари иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

Зиёда РАСУЛОВА

**Тақдимот
ТАРИХНИНГ МУҲАБАТЛИ ТАЛҚИНИ**

Миллий матбуот марказида ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Бизким ўзбеклар” китоби бешинчи нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбек адабиёти, тарихи, маданияти ҳамда миллий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китобнинг биринчи нашри 1999 йилда китобхонлар қўлига етиб борган, қарийб 20 йилдан сўнг “Бизким ўзбеклар” китобининг бешинчи нашри янги-янги тарихий фактлар билан бойитилган тарзда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан қайта чоп этилганлиги адабиётшунос Иброҳим Ғофуров томонидан таъкидлаб ўтилди. Мустақиллик, демократия ҳақидаги энг эзгу ғояларни, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиори остида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев етакчилигида ҳар бир соҳада олиб борилаётган ишларни тарғиб этиш учун асарнинг аҳамияти жуда катта эканлиги Ўзбекистон Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, “Шарқ” нашриёти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, шоир Хайдар Муҳаммад, техника фанлари доктори Неъматилла Мўминов, тарих фанлари доктори Неъматилла Мухамедов, ёзувчи Озод Мўмин томонидан яна бир қарра эътироф этилди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан адиблар ва олимлар фикрига кўра, “Бизким ўзбеклар” асари орқали Абдуқаҳҳор Иброҳимов китобхонлар кўз ўнгига моҳир публицист, ёзувчи, ўткир қалам соҳибини сифатида намойн бўлади. Дастлаб 16 босма табоқда нашр этилган ушбу асар ўзига хос янгиликлар билан бойитилган ҳамда қайта нашр этилганлиги катта воқелик бўлганлигини тадбир қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Эътиборли жиҳати, муаллиф ватанпарвар инсон сифатида 2700 йиллик халқимиз тарихи, маданияти, алломаларимизнинг тараққиёт ривожидан тугатган ўрни ҳақида аниқ далилларга асосланиб, муфассал фикр юритади. Янги нашрда юртимиз Истиклолнинг аҳамияти, сўнгиги ўн йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳар бир жаҳада амалга оширилаётган ишларнинг сабаб ачина келажакда серкўёш дийримиз ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллаши мукаррар эканлиги муаллиф томонидан бот-бот таъкидланади.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон истеъодларига бой мамлакат. Чунки юртимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз жаҳон илм-фанни ривожига муносиб улуш қўшишган. Китобда аллома аждодларимиз томонидан яратилган, жаҳон илм-фани ривожига муҳим ўрин тутган асарлар, тарихий воқеликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу босис ҳам ушбу китобни ҳар бир ўғил-қизларимиз, юрт келажакка бефарқ бўлмаган барча инсонлар мутлолаа қилишлари фойдадан холи бўлмаслиги тадбир қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

Китобхонда тарихимизга, маданиятимизга янада қизиқини кўчатиришга хизмат қилувчи ушбу китоб муаллифи ҳозирда амалга оширилаётган ишларнинг самара келтиришига қатъий ишонган ҳолда, “Тараққиёт замонига етайлик” деб ўз асарини якуنлайди.

Тадбир маросими ниҳоятда Ўзбекистон халқ ҳофизини Хасан Ражабий томонидан ижро этилган мумтоз ашулалар кеча файзига файз қўшди.

(Ўз мухбиримиз)

ОТА-ОНА БОЛА ТАРБИЯСИДА ДОИМО МАСЪУЛ

Маълумки, алимент ундириш ота-она учун маъқул бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар болаларнинг керакли таълим ва тарбия олишлари, соғлом улғайишлари учун зарур чора-тадбирлардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу масалада дуч келган ота-она вояга етмаган боланинг таъминоти, ҳуқуқ ва манфаатларини унинг алимент тўлови орқали ҳимоя қилишни билишлари шарт.

Бу тўловни ундиришда боланинг ота-онаси ўзаро никоҳда экани ёки улар ўртасида никоҳ тугатилганлиги аҳамиятли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериши шарти, вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд бўйригига асосан алимент ундирилиши белгиланган.

Бу борада Мажбурий ижро бюросининг Яқсаарой туман бўлими томонидан алиментларни тўлашдан бўйин товлаб кела-

ётган қардорлардан ундирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Аниқланишча, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 13.06.2017 йилдаги қардор Б.Ғадан Б.Д. фойдасига бир нафар фарзанди учун 1/4 қисм миқдорда алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлиш иш юритувига келиб тушган.

Қардорнинг номидаги мол-мулкларини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўровномалар юборилган ва олинган жавоб хатларига кўра, унга тегишли мол-мулклар йўқлиги аниқланган ҳамда қардорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиб ҳуқуқлари вақтинча чекланган.

Шунингдек, Б.Р. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганини учун Яқсаарой туман маъмурий судига МЖТКнинг 245-моддаси 1-қисми тартиби-

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ**

Сўнги йилларда бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, замонавий сигнал узатиш каби турли техникалар жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлиmlарига томонидан 30 миңдан ортиқ халқ хўжалиги объекти ва фуқароларнинг 15 миңдан ортиқ хонадон қўриқланмоқда. Бундан ташқари, 163 та йўналиш бўйича моддий-товар бойликларни қўриқлаш-кузатиш амалга оширилди. Мазкур хизмат ўз фаолиятини жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома бўйича ташкил этади.

Шартнома асосида давлат, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини қўриқлаш таъминлаш, қўриқлаш фаолиятга замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш қўриқлаш

хизматининг асосий вазифаларидан саналади. Шунингдек, қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона техник сиёсатни, улардан фойдаланиш бўйича самарали назоратни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

— Соҳага замонавий технологиялар жорий қилиниши қўшимча хизматларни кўрсатиш имконини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси етакчи мутахассиси, подполковник Шўҳрат Дурматов. — Жумладан, қўл қаватли уйлардаги хонадонларни ёнғиндан оғохлантирувчи сигнализация воситалари ва махсус ташвиш тизимлари орқали қўриқлаш имкони яратилди. Жойларда кириб-чиқиб назорати ва бошқарув қурилмалари билан ишлаш, симли телефон алоқаси мавжуд

ЎЗА



Футбол янгиликлари

ФУТБОЛЧИЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Футбол бўйича жорий йилнинг март ойидан 2022 йилда Қатарда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнирининг иккинчи bosқич гуруҳ баҳслари давом эттирилишидан мухлислар хабардор албатта.

Ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз БААда ўқув-масгулот йиғинида иштирок этди.

Йиғин доирасида миллий терма жамоамиз Беларусь миллий терма жамоасига қарши уюштирилган назорат-ўртоклик учрашувида майдонга тушди. Уйин давомида Вадим Абрамов миллий терма жамоага жалб этилган 17 нафар футболчини майдонга туширди.

Кескин ва мurosасиз курашлар остида кечган баҳс 26 дақиқада Павел Нехайчик томонидан Элдор Суюнов дарвозасига киритилган гол туяфайли 1:0 ҳисобидаги беларусларнинг галабаси билан якунланди.

Об-ҳавонинг совиши натижасида аҳолининг иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи ортиб боради. Бундай пайтларда айрим фуқароларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши ва инсонлар исгаздан заҳарланиши мумкин.

ХОНАДОНИМИЗДА НЕГА ЁНҒИН СОДИР БЎЛДИ?

Газ ускуналаридан фойдаланишда ёнғин ва хавфсизлик талабларига риоя қилишлари шарт, — дейди Миробод тумани Фавқуллода вазиетлар бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Беғали Жўраев. — Қўлбола ва носоз газ иситиш мосламаларидан иложи борича фойдаланмаслик керак. Иситиш тизимини назоратсиз қолдириб бўлмайди. Ошхонада ўрнатилган табиий газда ишловчи газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланмаслик зарур. Иситиш печлари ва уларнинг мурилари созилиги, уларни турли буюм ва тўсиқлар билан беркитилмаслиги ва махсус ташкилотлар томонидан ўз вақтида тозаланишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Иложи бўлса иситиш мосламалари яқинида ёнувчан буюмларни сақлаш керак. Газ ускуналарини улаш тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиш, уларга резина шланглар орқали улашишга йўл қўймаслик керак. Агарда хонада газ ҳидини сезсангиз, чироқ ва учкун чиқарувчи мосламалардан умуман фойдаланмасдан тезда хонани шамоллатиш ҳамда газ хизматига зудлик билан хабар бериш лозим.

кўчаси, 11-уйда ёнғин чиққанлиги тўғрисидаги хабарни олдик. Бу хонадонга келиб вазиетни ўргандик. Буви 2 ёшли набирасига ёндиргични (зажигалка) қандай қилиб ёқини ўргатибди. Сигарет чекаётганида набирани ёндиргични ёқиб турадиган бўлибди. Буви бозорга чиқиб кетгач, келин дарвоза ёнидаги ошхонага чиқиб таом тайёрлаш билан банд бўлган. Шу вақтда болакай ёндиргични олиб уйдаги буюмларни ёқа бошлаган. Учга хона ёнган. Ошхонада қўймаланаётган келин уй ёнаётганини кўриб, боласини ҳовлига олиб чиқиб, ўт ўчирувчиларга хабар берган. Бундай кўнгилсиз воқеа бўлмаслиги учун болаларни асло назоратсиз қолдирмаслик керак.

Ҳаётимизда учраб турадиган айрим кўнгилсиз воқеаларга ўзимиз сабабчимиз. Чунки айримлар газ плитаси устида ювилган кийимларни қуритишга ҳаракат қилади. Газ плитаси устида овқат ёки чойнакни назоратсиз қолдирамайди. Бир вақтнинг ўзида бир нечта электр жиҳозларини токка улаймиз. Бундай зўриқидан ҳам ёнғин келиб чиқиши мумкин. Қўлбола электр иситиш мосламаларидан ёки хоналарни иситиш мақсадида маиший газ жиҳозларидан фойдаланамиз.

Хонадонимизда ёнғин содир бўлмаслиги учун доимо хушёр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз лозим.

Ойгул ШОДИЕВА

ЯНГИ РЕЙТИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтингни эълон қилинди.

Унга кўра, миллий терма жамоамиз яна 85-поғонага лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда ҳам 85-ўринни эгаллаган Вадим Абрамов шогирдлари Осие миқёсида 12-ўринда боришмоқда.

Жаҳон рейтингини Бельгия терма жамоаси пешқадам сифатида бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринларни Франция ва Бразилия эгаллаб туришбди.

ҲАКАМЛАР ИШТИРОКИДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Пойтахтимизда видеоёрдамчи ҳакамлар тайёрлаш бўйича семинар ташкил этилди.

VAR тизимида ишлайдиган ҳакамлар кўникмаларини ошириш мақсадида уюштирилган семинарда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан 60 нафар бош ҳакам ва лайнмен иштирок этди. ФИФА йўриқчиси Фарҳод Абдуллаев етакчилигида назарий ва амалий машғулотларда қатнашган ҳакамлар VAR қайдномасини тўлдирди, ўйин вақтида тизимдан қай тариха самарали фойдаланиш бўйича зарур билим ҳамда кўникмалар ҳосил қилишди. VAR тизими бўйича ишлайдиган ҳакамлар олдиндан белгиланган дастур асосида тахсил олишади. Уқш жараёни 9 ой давом этади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

СУД ҚАРОРИНИНГ ҲУРМАТИ ҚАЕРДА ҚОЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий судида тadbиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига тажовуз билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жавобгарлик масаласига бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтди.

Маълумки, пойтахтимизда тadbиркор томонидан 81 туп дарaxтнинг кесилиши билан боғлиқ ҳолат жамоатчилик ўртасида кескин эътироз ва муҳокамаларга сабаб бўлган эди. Очик мулоқотда мазкур ҳолатга оид баъзи жиҳатлар муҳокама қилинди.

Тadbиркорда ҳокимнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарори бор. Прокуратура мазкур қарорни бекор қилган. Лекин прокуратура томонидан бекор қилинган қарор Маъмурий суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган.

Маълум бўлишича, Маъмурий суднинг қарори қонуний кучда турибди. Шунга қарамаздан тadbиркор жаримага тортилиб, ундан қарийб 2 миллиард сўмлик зарар ундирилди. Дарaxтлар кесилган жойда 150 туп дарaxт экиладиган бўлди.

Ҳақли савол туғилади: тadbиркорга ер майдони иншоот қуриш учун ажратилган. Агар дарaxтлар кесилмаса, иншоот қуриб бўлмайди. Бунга ким изоҳ беради?

Очик мулоқотда журналистлар томонидан берилган шу каби саволларга Олий суд судьялари томонидан атофлича жавоб берилди.

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳам ушбу масаланинг долзарблигини аңглатади.

2019 йилда мамлакатимизда фаолият юритувчи Иқтисодий судлар томонидан жами 197 минг 291 иш кўриб

чиқилган. Мазкур ишларнинг 20 минг 810 таси хусусий тadbиркорлик субъектларининг даъвогарлигида кўзга-тилган бўлиб, бу ишлар бўйича жавобгарлардан 2 миллиард 502 миллион сўм ундирилиши белгиланган. Мазкур тadbиркорларнинг 42 фоизи ўз вақтида солиқни тўламаган. Бу ишларнинг 17 минг 146 таси бўйича даъво қаноатлантирилиб, даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 1 миллиард 330 миллион сўм ундирилиши белгиланган.

Ушбу даврда турли мулкчилик шаклига асосланган даъвогарлар томонидан хусусий тadbиркорлик субъектларига нисбатан тақдим этилган даъволар бўйича 152 минг 485 иш кўриб чиқилган бўлиб, бу тоифадаги жавобгарлардан 10 миллиард 591 миллион сўм ундирилиши белгиланган.

Кўрилган ишларнинг 137 минг 683 таси бўйича даъво қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига 7 миллиард 834 миллион сўм ундирилган бўлса, 10 минг 86 иш бўйича даъво қаноатлантириш рад этилган. 3 минг 73 иш бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган ва 1 минг 643 даъво бўйича иш юритиш тугатилган.

Очик мулоқотда тadbиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисида атофлича маълумот берилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2008 йилда Муминово Файзулло Хамидуллаевич номига берилган К № 1074816 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“PSB Insurance” МЧЖ СК томонидан Юлдашев Фахриддин Купалбаевичга берилган 0021502-сонли полис ва Худайбергенова Раъно Раҳмановнага берилган 0021501-сонли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ю.Ражабий номи Тошкент педагогика коллежи томонидан 2009 йилда Кайомова Окила Хикмат қизи номига берилган К № 1491849 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон Театр Арбоблари уюшмаси ҳамда Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ғайбулла ХОЖИЕВ**нинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изорх этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 28 февраль кўни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кенаси ва эрталаб туман тушуши эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1 даража совуқ — 1 даража илқ, кундузи 6-8 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шунинининг даражаси паст бўлади.